

4-1-2019

EVALUATING THE IMPACT OF FINANCIAL PERFORMANCE ON ENTERPRISES ON GROWTH AND RETIREMENT

M.P Eshov

Tashkent State Economic University, Uzbekistan, 100066, Tashkent, I.Karimov Street, 49,
m.eshov@tsue.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Eshov, M.P (2019) "EVALUATING THE IMPACT OF FINANCIAL PERFORMANCE ON ENTERPRISES ON GROWTH AND RETIREMENT," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 4 , Article 3.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss4/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

EVALUATING THE IMPACT OF FINANCIAL PERFORMANCE ON ENTERPRISES ON GROWTH AND RETIREMENT



Eshov Mansur Pulatovich
Tashkent State Economic University, Candidate of Economic Sciences,
Associate Professor
Uzbekistan, 100003, Tashkent, I.Karimov Street, 49

Annotation: *This article discusses how to assess the impact of financial performance on an enterprise's growth and fall. The author discussed methodological aspects of the analysis and forecast of liquidity, solvency and financial stability of JSC "Elektrkishlokstroy".*

Keywords: *financial performance, forecasting, asset valuation, financial stability, liquidity.*

КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ПУЛ ОҚИМИ ЎСИШИГА ВА ПАСАЙИШИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Эшов Мансур Пулатович¹

**¹Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси, иқтисодиёт
фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон, 100003 Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49**

Аннотация: *Ушбу мақолада корхоналарда молиявий фаолиятнинг пул оқими ўсишига ва пасайишига таъсирини баҳолаш масалалари ёритилган. Муаллиф томонидан «Электрқишлоққурилиш» АЖнинг ликвидлиги ва тўлов лаёқати таҳлили ва прогнозининг услубий жиҳатлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *молиявий фаолият, ликвидлик, прогноз, активларни баҳолаш, молиявий барқарорлик.*

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожланишининг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим вазифалар қаторида хусусий мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва қийматини оширишга таъсир кўрсатувчи самарали стратегик бошқарув тизимига ўтиш белгилаб берилган. Ушбу устивор вазифаларни ўз вақтида ҳал этиш корхона қийматини самарали бошқариш методологиясини хорижий тажрибалар асосида корхоналар ривожланишининг ички салоҳиятини тавсифловчи фундаментал қийматни баҳолаш ва бошқаришни ҳисобга олиб такомиллаштириш талаб этилади.

Бунда корхоналар бозор қийматини анъанавий молиявий ва бошқарув ёндашувлари билан тўлдиришга асосланган фундаментал қийматни бошқаришни тавсифловчи тизимни яратиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, тизимли ёндашув асосида корхонанинг фундаментал қийматини бошқаришнинг жаҳон илм-фанида ишлаб чиқилган назарий ва илмий – методологик қоидаларини такомиллаштириш орқали Ўзбекистон иқтисодийёти шароитига мослаштириш ва уни амалиётга жорий этиш усул ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш талаб этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Корхоналар қийматини бошқариш, инвестицияларни жалб қилиш йўли билан уни босқичма-босқич ошириш, корхоналарни инновацион ривожлантириш ва активларини баҳолашнинг методологик асослари хорижий муаллифларнинг илмий асарларида кенг тадқиқ этилган. Қиймат назарияси масалалари билан А.Маршалл [1], Ж.Милль, Д.Рикардо[2], А.Смит [3] ва бошқа кўпгина классик иқтисодий назария мактаби вакиллари шуғулланганлар. Макроиқтисодий муносабатларнинг турли жиҳатлари, корхоналарни яратилиши сабаблари ва фаолияти С.Л. Брю [5], Р.Г. Коуз [6], Р.М.Качалов [7], ва бошқа иқтисодчилар ишларида баён қилинган. Корхоналар қийматини баҳолаш ва бошқариш масалалари бўйича асосий назарий ишланмалар Ф.Блэк [9], Дж.Бреннан, Т.Гордон, бошқа муаллифларнинг ишларида баён қилинган. Иккинчи гуруҳ олимлар Г.Александр, Д.Линтнер [10], Х.Марковиц, С.Росс, У.Шарплар акциялар қийматини белгилаш ва молиявий активларга нархларни ташкил қилиш моделларини яратишни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи-олимлари Ю.П. Антонов ва К.Я. Янкевич [11] томонидан корхоналар қийматини баҳолаш ва бошқариш муаммолари бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган, жумладан, иқтисодий фойда концепциясига асосланган; кредит молия ташкилотлари қийматини бошқаришнинг бойликлар занжирини яратишга йўналтирган бошқарув концепциясини амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган.

Корхона қийматини баҳолаш, корхона қийматини стратегик бошқаришнинг концептуал жиҳатлари ва стейкхолдерлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида қўшилиш ва ютиб юбориш жараёнида фирма қийматини бошқариш Д.Акназаров, Ш.Зайнутдинов [12] ва Д.Т. Сагдуллаев [13] ишларида ҳам ўз аксини топган. Кўрсатиб ўтилган муаллифларнинг ишлари, шубҳасиз, корхонанинг қиймати асосида бошқариш назариясига катта улуш қўшади. Аммо, корхонани бошқариш муаммосининг мураккаблиги ва кўп қирралилиги туфайли мазкур тадқиқотларда молиявий фаолиятнинг корхона пул оқими ўсишига таъсирини баҳолаш жиҳатлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг методологияси тизимли ёндашув, илмий-тадқиқот жараёнида кузатиш ҳамда маълумотларни гуруҳлаш ва статистик ишлов бериш,

солиштириш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш усуллари қўлланилган. Хусусан тизимли ёндашув ёрдамида, тадқиқот жараёнида вазифаларни тўғри қўйиш ва уни ечимини топиш, корхоналарда молиявий фаолиятнинг пул оқими ўсишига ва пасайишига таъсирини баҳолаш статистик ишлов бериш, гуруҳлаш ва прогнозлаш орқали баҳолаш ёндашувлари ва акция қиймати ва нархига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинади.

Таҳлил ва натижалар

Пул оқимлари ҳажмига ва уларнинг вақт бўйича шаклланиш характерига таъсир этадиган омилларни ҳисобга олиш уларни бошқариш самарали жараёнини амалга ошириш учун муҳим шарт-шароит бўлиб хизмат қилади. Корхона эгалари ва менежерларининг молиявий менталитети, активларни молиялаштириш ва бошқа молиявий операцияларни амалга оширишнинг консерватив, мўътадил ёки агрессив тамойилларини танлаш корхонанинг пул оқимлари турлари структурасини (турли манбалардан пул маблағлари жалб қилиш ҳажми, қайтариладиган пул оқимлари йўналишлари), алоҳида активлар турларининг суғурта захиралари ҳажми (ва уларни шакллантириш билан боғлиқ пул оқимлари), молиявий инвестициялар даромадлили даражасини (олинган фоизлар ва дивидендлар бўйича пул оқими ҳажми) белгилаб беради.

Бозор шароитларида баланс ликвидлигини таҳлил қилишга эҳтиёж молиявий чекловларнинг кучайиши ва корхонанинг кредит лаёқатини баҳолаш зарурати туфайли юзага келади. Баланс ликвидлиги корхона мажбуриятларини унинг пул шаклига айлантириш муддати мажбуриятларни тўлаш муддатига мос келадиган активлари билан қоплаш даражаси сифатида тавсифланади. Активлар ликвидлиги – активларни пул маблағларига айлантириш вақти бўйича баланс ликвидлигига тесқари бўлган кўрсаткич. Ушбу актив тури пул шаклига эга бўлиши учун қанчалик кам вақт талаб қилинса, унинг ликвидлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Захиралар шакллантириш маблағлари манбалари етарлилик (ортиқчалик ёки етишмаслик) кўрсаткичи ликвидликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади. Мутлақ кўрсаткичлар ёрдамида ташкилий-иқтисодий шартлар қилишнинг маъно – захираларни қоплаш учун қайси маблағлар манбалари ва қандай ҳажмда фойдаланилишини текширишдир.

Баланс ликвидлигини таҳлил қилиш уларнинг ликвидлик даражаси бўйича гуруҳланган ва ликвидликнинг пасайиб бориши тартибида жойлаштирилган актив бўйича маблағларни уларни тўлаш муддати бўйича гуруҳланган ва муддатнинг ўсиб бориш тартибида жойлаштирилган пасив бўйича мажбуриятлар билан таққослашдан иборат. Ликвидлик даражасига, яъни пул маблағларига айлантириш тезлигидан келиб чиқиб, корхона активлари қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) энг ликвидли активлар – корхонанинг пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалари (қимматли қоғозлар); жорий ҳисоб-китобларни бажариш

учун зудлик билан фойдаланилиши мумкин бўлган пул маблағлари моддалари бўйича суммалар;

2) тез сотиладиган активлар – дебиторлик қарзлари ва бошқа активлар.

Корхонанинг жорий активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларидан ортиқ бўлса, у ҳолда корхона ликвидли ҳисобланади. Корхона кўпроқ ёки камроқ даражада ликвидли бўлиши мумкин. Айланма капитали асосан ўзининг пул маблағлари ва қисқа муддатли дебиторлик қарзларидан иборат бўлган корхона одатда айланма капитали асосан захиралардан иборат бўлган корхонадан кўра ликвидли ҳисобланади. Ликвидлик реал даражасини текшириш учун баланс ликвидлигини таҳлил қилиш керак.

Ликвидлик коэффициентлари нафақат корхона раҳбарияти учун, балки ташқи таҳлил субъектлари учун ҳам қизиқиш уйғотади:

- мутлақ ликвидлик коэффициенти;
- хом ашё ва материаллар етказиб берувчилар учун;
- қоплаш коэффициенти – инвесторлар учун;
- тез ликвидлик коэффициенти – банклар учун.

Ликвидли маблағлар ва мажбуриятларни таққослаш қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишга имкон беради.

1. *Мутлақ ликвидлик коэффициенти ($K_{мл}$)*. Мутлақ ликвидлик коэффициенти ташкилот қисқа муддатли мажбуриятларнинг қайси қисмини яқин вақт ичида пул маблағлари билан тўлаши мумкинлигини кўрсатади. Бу коэффициент хом ашё ва материаллар етказиб берувчилар учун қизиқарлидир. Меъёрий қиймати:

$$K_{мл} > 0,2.$$

1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, беш йил давомда ҳисоблаб чиқилган мутлақ ликвидлик кўрсаткичи турли қийматларга эга. Лекин, уларнинг барчаси меъёр даражасидан паст бўлиб, турли йилларда 0,03 дан 0,08 гачани ташкил қилган, бу эса корхонанинг тўлов лаёқати жуда паст эканлигини кўрсатади.

2. *Тезкор ликвидлик коэффициенти ($K_{мл}$)* захираларни чиқариб ташлаган ҳолда жорий активлар билан қайси қисмни тўлаш мумкинлигини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткич корхона танг аҳволга тушиб қолиб, захираларни сотиш имкони бўлмаганда корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш имкониятини баҳолашга ёрдам беради. Бу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 0,8 дан 1,0 гача бўлган оралиқда тавсия қилинади. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, «Электрқишлоққурилиш» АЖ таҳлил қилиётган давр мобайнида меъёрий даражадан юқори бўлган. Ушбу ҳолат дебиторлик қарзларнинг ўсиши туфайли юз берган. Агар тезкор ликвидлик коэффицентининг пасайиши ва унинг меъёр даражасидан тушиб кетиши яқин келажакда тушумлар ҳисобига ўз мажбуриятларини тўлаш имконияти пасайишини кўрсатиши мумкин.

3. *Жорий ликвидлик коэффициенти ($K_{жл}$)* компаниянинг фақат айланма активлар ҳисобига жорий (қисқа муддатли) мажбуриятларни тўлаш қобилиятини кўрсатади. Коэффициент қиймати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг тўлов лаёқати ҳам шунчалик яхши бўлади. Бу кўрсаткич барча активларни ҳам шошилиш тартиба сотиш мумкин эмаслигини ҳисобга олади. Иқтисодиёт тармоғидан келиб чиқиб, коэффициентнинг меъерий даражаси 1,5-2,5 оралиқда бўлиши мумкин. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, «Электрқишлоққурилиш» АЖда жорий ликвидлик коэффициенти фақат 2014 йилда меъерий даражага эга бўлган. Бу эса шундан далолат берадики, корхона жорий счёتلар бўйича тўловларни барқарор амалга оширишга қодир эмаслиги билан боғлиқ юқори молиявий рисклар мавжуд эмас. 3 дан катта қиймат (2015–2017 йй.) капитал структураси нораціонал эканлигидан далолат беради.

4. *Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати.* Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати коэффициенти кредиторлик қарзларининг 1 сўмига қанча дебиторлик қарзлари тўғри келишини кўрсатади. Тавсия қилинган минимал қиймат – 1 дан кам.

Дебиторлик қарзларининг ўсиш суръати кредиторлик қарзлари ўсиш суръати билан таққосланадиган даражада бўлиши керак. 1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, «Электрқишлоққурилиш» АЖ дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати 1 дан катта (1,16 дан 2,72 гача). Дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқ эканлиги шуни англатадики,

1-жадвал

«Электрқишлоққурилиш» АЖ ликвидлик коэффициентлари

пп	Коэффициент	Меъёр	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
	Мутлақ ликвидлик, Кмл	0,2 дан кўп 0,7 дан кам	0,07	0,08	0,03	0,08	0,03
	Тезкор ликвидлик, Ктл	0,8 дан кўп 1,0 дан кам	1,21	1,52	2,02	2,89	1,48
	Жорий ликвидлик, Кжл	2 дан кўп 3 дан кам	1,96	2,35	3,15	4,03	3,18
	Дебиторлик ва	1,0 дан кам	1,16	1,43	1,90	2,72	1,41

кредиторлик қарзлари нисбати							
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик, Кам	0,2 дан кўп	0,49	0,53	0,65	0,73	0,66	
Соф айланма капитал, САК	Млн.сўм	11357	14229	18579	22688	23044	
Ўз айланма маблағлар маневрчанлиги	0,2 дан кўп 0,5 дан кам	0,75	0,68	0,66	0,72	0,69	

Манба: «Электрқишлоққурилиш» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

маблағларни хўжалик айланмасидан чиқариш келгусида ҳам корхонанинг жорий ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини таъминлаш учун банк кредитлари ва қимматбаҳо заёмларни жалб қилиш заруратига олиб келиши мумкин. Кредиторлик қарзларининг дебиторлик қарзларидан сезиларли даражада ортиқ бўлиши ҳам корхонанинг молиявий барқарорлигига таҳдид солади.

5. *Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти (Кам).* У корхонада молиявий барқарорлик учун зарур бўлган ўзининг айланма маблағлари етарлигини тавсифлайди. Ўзининг айланма капитали йўқлиги шундан далолат берадики, корхонанинг барча айланма маблағлари ва, эҳтимол, айланмадан ташқари активларнинг бир қисми (ўзининг айланма маблағлари манфий қийматга эга бўлганда) қарз манбалари ҳисобига шаклланган бўлади.

Ушбу кўрсаткичнинг меъерий даражаси 0,2 дан катта бўлиши лозим. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, «Электрқишлоққурилиш» АЖда 2017 йилда 2013 йилга билан таққослаганда ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,49 дан 0,66 гача ўсган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, энг ликвидлиги паст (айланмадан ташқари) активлар ўз капитали ҳисобига молиялаштирилиши лозим. Бундан ташқари, жорий фаолиятни молиялаштириш учун ўз капиталининг маълум бир қисми қолиши керак.

6. *Соф айланма капитал (САК).* Соф айланма капитал (соф айланма маблағлар) деганда айланма (қисқа муддатли, жорий) активлар ва қисқа муддатли пассивлар (қисқа муддатли қарз капитали) ўртасидаги фарқ тушунилади. Соф айланма капитал (соф айланма маблағлар) оптимал суммаси ҳар бир муайян корхонанинг эҳтиёжларига мувофиқ аниқланади ва унинг фаолияти кўлами ва хусусиятларига,

дебиторлик қарзлари ва моддий-ишлаб чиқариш захираларининг айланиш тезлигига, кредитлар тақдим этиш ва жалб қилиш шартларига, тармоқ ўзига хосликлари ва бозор конъюнктурасига боғлиқ бўлади.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида (1-жадвал) «Электрқишлоққурилиш» АЖда соф айланма капиталнинг барқарор ўсиши кузатилади. Ушбу натижа мусбат (ижобий) ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ҳолатига соф айланма капитал (соф айланма маблағлар) ортиқчалиги ёки етишмаслиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Соф айланма капитал (соф айланма маблағлар) оптимал эҳтиёждан ортиқ эканлиги ресурслардан самарасиз фойдаланилишидан далолат беради. Соф айланма капитал (соф айланма маблағлар) етишмаслиги эса, корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларни ўз вақтида тўлашга қодир эмаслиги ва уни банкротга олиб келиши мумкинлигидан далолат беради.

7. *Ўз айланма маблағлар маневрчанлик коэффиценти ($K_{\text{ўамм}}$)*. Ушбу коэффицент корхонанинг ўз айланма капитали даражасини қўллаб-қувватлаш ва айланма маблағларни зарур ҳолларда ўзининг манбалари ҳисобига тўлдириш қобилиятини кўрсатади.

Ўз айланма маблағлари маневрчанлик коэффиценти капитал тузилиши ва тармоқ ўзига хосликларига боғлиқ бўлиб, унинг меъёрий даражаси 0,2-0,5 оралиқда бўлиши тавсия этилади.

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, «Электрқишлоққурилиш» АЖда 2018 йилдан бошлаб ўз айланма маблағлари маневрчанлик коэффиценти 0,68 дан 0,75 гача бўлган оралиқда ўзгариб турган, бу эса меъёрий даражадан юқори. Бу корхона маблағларининг ўз манбалари ҳаракатчан эканлигини англатади.

Корхона қийматини аниқлашда барча прогноз қилинаётган кўрсаткичларни тўғри ҳисоблаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. 3-жадвалда ликвидлик коэффицентлари таҳлили базавий йилда (2018 й.) олинган коэффицентлар билан таққослаган ҳолда келтирилган.

«Электрқишлоққурилиш» АЖда 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда мутлақ ликвидлик коэффиценти прогнозга кўра 0,031 дан 0,007 гача пасайиш тенденциясига эга. Тезкор ликвидлик коэффиценти эса, барқарор равишда ўсган ҳолда 3,16 ни ташкил қилади (2-жадвал).

«Электрқишлоққурилиш» АЖда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати коэффиценти прогноз қилинаётган даврда меъёрий даражадан (1,0 дан кам) ортиқ қийматга эга. Умуман, 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда ушбу коэффицент сезиларсиз – 2,38 дан 2,97 гача ўсган.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган прогноз қилинадиган давр давомида 0,2 дан юқори бўлган. Хусусан, 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда ушбу коэффицентнинг прогнозига кўра 0,79 дан 0,95 гача, яъни 0,14 га ўсади «Электрқишлоққурилиш» АЖда прогноз қилинадиган ўз айланма маблағлари маневрчанлик коэффиценти меъёрий

даражадан юқори бўлган. Прогнозга кўра, 2022 йилнинг охирига келиб ушбу кўрсаткичлар сезиларсиз пасаяди. Хусусан, 2019 йил 0,67 қийматга эга бўлса, 2022 йилга келиб эса унинг 0,64 гача пасайиши кутилмоқда.

«Электрқишлоққурилиш» АЖда соф айланма капитал прогноз қилинадиган миқдори 2019 йил 19 973 116 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб сезиларсиз ўзгарган ҳолда 23 757 379 минг сўмга тенг бўлиши кутилмоқда.

2-жадвал

«Электрқишлоққурилиш» АЖ ликвидлик коэффицентлари прогнози

пп	Коэффициент	2018 й. (таҳлил учун базавий йил)	Йиллар бўйича коэффицентлар прогнози			
			2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
	Мутлақ ликвидлик (тўлов лаёқати), Кмл	0,04	0,031	0,019	0,013	0,007
	Тезкор ликвидлик, Ктл	2,29	2,53	2,84	3,00	3,16
	Қоплаш коэффициенти (тўлов лаёқати, жорий ликвидлик), Кжл	3,86	4,32	4,94	5,25	5,55
	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати	2,16	2,38	2,68	2,82	2,97
	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, Кам	0,73	0,79	0,87	0,91	0,95
	Соф айланма капитал САК	17101080	19973116	18579183	23400938	23757379
	Ўз айланма маблағлари маневрчанлик коэффициенти	0,68	0,67	0,66	0,65	0,64

Манба: «Электрқишлоққурилиш» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Хулоса ва таклифлар

Республика энергетика тармоғининг ҳолатини ва унинг таркибига кирадиган корхоналар капиталлашув даражасини баҳолаш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

1. Энергетика, хусусан, электр энергетика тармоғи, фақат фойда олишга йўналтирилган бўлиши мумкин эмас, чунки у базавий инфратузилма тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ инвесторларнинг киритган маблағларини энг тез ва кафолатланган қайтаришни таъминлаши, шунингдек, ижтимоий эҳтиёжларни қондириши ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаши лозим. Шу сабабга кўра, электр энергетикаси корхоналари ўз тарифларини максимал қилиш имкониятига эга эмас ва нархга оид тартибга солувчилар талабларини ҳисобга олишга мажбурлар. Бу эса, капитал қўйилмалар қайтарилишини секинлаштиради, шу сабабли тармоқ бошқа соҳалар тармоқлари билан таққослаганда инвестициялар учун у қадар жалб этувчан саналмайди.

2. Электр энергиясини узоқ ҳудудларга етказиб бериш шартлиги сабабли энергия етказиб бериш учун рентабелсиз ҳисобланади ва субсидиялаш зарурати юзага келади. Зарар кўриб ишлайдиган корхоналар ва фаолият йўналишлари мавжудлиги «Ўзбекэнерго» АЖ шаффофлигини пасайтиради, бу эса бозор томонидан салбий қабул қилинади ва унинг капиталлашуви пасайишига олиб келади.

Аниқландики, тармоқда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг молиявий, ташкилий ва техник мураккаблиги (фойдаланиладиган асбоб-ускуналар қийматининг юқорилиги, ишларни бажариш узоқ муддатлилиги ва бошқалар билан боғлиқ) катта ҳажмда капитал жалб қилишни талаб қилади. Унинг ҳажми кўпчилик инвесторлар учун имконсиз қилиб қўяди. Шундай қилиб, энергетика соҳасида инвестиция лойиҳаларини бажариши мумкин бўлган иқтисодий фаолият субъекти фақат «Ўзбекэнерго» АЖ энергетика монополияси тимсолида давлат ҳисобланади. Хусусий инвесторлар жалб қилиш фақат давлат-хусусий шериклик дастурлари бўйича амалга оширилиши мумкин.

3. Тармоқда юзага келган «харажатлар плюс» тамойили бўйича нарх шакллантириш услубияти фаолиятни оптималлаштириш ва таннархни пасайтиришни рағбатлантирмайди, чунки харажатларда ҳар қандай тежамкорлик келгуси даврда тарифларнинг мос равишда пасайишига, оқибатда, компания тушумининг пасайишига олиб келади. Бунинг устига, инвесторларга маблағларни қайтаришни секинлаштиради. Электр энергияси тарифлари мунтазам равишда қайта кўриб

чиқилади, бу эса тушумни прогноз қилиш, инвестиция қилинган маблағлар қайтарилишини режалаштиришни қийинлаштиради.

4. «Электрқишлоққурилиш» АЖда молиявий ҳолат жинамикасини умумий баҳолаш учун мажбуриятлар муддатлилиги ва ликвидлик белгиси бўйича алоҳида махсус гуруҳларга ажратиб олинди. Агрегацияланган баланс асосида корхона мулки структураси таҳлил қилинди. Бевосита таҳлилий балансдан корхона молиявий ҳолатининг қатор муҳим тавсифлари олинди. Бу кўрсаткичларнинг динамик таҳлили уларнинг ўсиш суръати ва мутлақ кўпайишини аниқлашга имкон берди, бу эса корхона молиявий ҳолатини тавсифлаш ва унинг қийматини оширишга таъсир этиш учун муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маршалл А. Принципы экономической науки. Т. 1. и 2. - М.: Издание РОО, 1996.
2. Миль Дж. Основы политической экономии. Пер. с англ. – Т. 1-3. – М.: Прогресс, 1980-1981.
3. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Том 1. Пер. с англ. – М.: Госполитиздат, 1955.
4. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. – Серия: Антология экономической мысли. – 960 с.
5. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т.: Пер. с англ. - М.: Республика. - 1992. - Т. 1. - 400 с.
6. Коуз Р.Г. Природа фирмы: истоки; Природа фирмы: истолкование; Природа фирмы: влияние; Нобелевская лекция «Институциональная структура производства»: в сб.: Природа фирмы. / О.И. Уильямсоа, под об. ред. С.Дж. Уинте; пер. с англ.; ред. пер. В.Г. Гребенников. – М.: Дело, 2001. – Серия «Современная институционально-эволюционная теория».
7. Качалов. Р.М. Управление хозяйственным риском производственных систем // Экономика и математические методы. - 1997. - Т.33. - Вып. 4. - С. 25-38.
8. Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика. Пер. с англ. – М.: БИНОМ, Лаборатория Базовых Знаний, 1997. – 800 с.;
9. Fischer Black, Myron Scholes, & Micheal Jensen. The Capital-Asset Pricing Model: Some empirical tests, in Jensen, editor, Studies in the Theory of Capital Markets, 1972.
10. Lintner J. Some new perspectives on tests of CAPM and other capital asset pricing models and issues of market efficiency, John Lintner Harvard Institute of Economic Research discussion paper, 1981.

11. Антонов Ю.П., Янкевич К.Я. и др. Применение экономической добавленной стоимости в оценке бизнеса. /Горный информационно-аналитический бюллетень (научно-технический журнал). 2009. – С.97-100.

12. Зайнутдинов Ш.Н., Муракаев И.У., Шермухамедов А.Т., Сагдуллаев Д.Т., Кучаров А.С. Менежмент асослари //Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2001. - 208 б.

13. Сагдуллаев Д.Т., Зайнутдинов Ш.Н. Оценка эффективности управления экономикой. Монография. -Т.: Изд-во ТГЭУ, 2003.

14. «Электрқишлоққурилиш» АЖ йиллар ҳисобот маълумотлари.